УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИЕВ БЕҲЗОД УМИДЖАНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Хоразм вилояти мисолида)

08.00.15 - “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

УДК: ***330.542:334.2.***

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in economic sciences

Таджиев Беҳзод Умиджанович
Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш (Хоразм вилояти мисолида).....3

Таджиев Беҳзод Умиджанович
Совершенствование механизмов устойчивого развития малого бизнеса и частного предпринимательства в сельских местностях (на примере Хорезмской области).....27

Tadjiev Behzod Umidjanovich
Improvement of mechanisms for sustainable development of small business and private entrepreneurship in rural areas (on example of the Khorezm region).....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 57

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИЕВ БЕҲЗОД УМИДЖАНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Хоразм вилояти мисолида)

08.00.15 - “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Iqt610 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (08.07.21) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Салаев Санъатбек Комилович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ғофуров Убайдулло Вахабович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Ахрор Жахбарович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "29" июль соат 14^{00}даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uzmailto:info@edu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (D-261 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил "03" июль куни тарқатилди.
(2021 йил "03" июль даги 8 рақамли реестр баённомаси).

И.С.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор

Ш.Б.Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б.Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган кескин рақобат кураши, COVID-19 пандемияси камбағаллик ва қашшоқликни чуқурлаштириб, аҳоли турмуш даражасини пасайтираётган бир шароитда, дунё мамлакатларида қишлоқ жойларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) озиқ-овқат хавфсизлиги, бандликни таъминлашда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. Дарҳақиқат, “2020 йилда АҚШда жами 30,7 миллион кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, улар жами бизнес субъектларининг 99,9 фозини, 59,9 миллион ишчи кучини ёки жами бандларнинг 47,3 фоизини ташкил қилган.[1] “ЕИда барча компанияларнинг 99 фоизи ва иш ўринларининг 85 фоизи, ХХР барча компанияларининг 97,9 фоизи, ЯИМнинг 58 фоизи, экспорт ҳажмининг 68 фоизи КБХТ улушига тўғри келади»[2].

Жаҳон мамлакатларида қишлоқ жойларида КБХТ иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, истеъмол бозорини тўлдириш, мулкдорлар ўрта синфини яратиш, аграр иқтисодиётнинг энг мобил сегменти сифатида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бугунги кунда қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг энг мақбул, самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришга қаратилган қатор Президент Фармонлари ва ҳукумат Қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси Концепциясида “.. ЯИМнинг таркибида КБХТ улушини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал хом ашё, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ ҳудудларини модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарлар ўртасидаги фарқларни камайтириш[3], агросаноат мажмуи (АСМ)да самарадорликни, ҳар 1000 кишига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сонини ошириш, АСМда бандлар сонини камайтириш”[4] устувор вазифалар сифатида таъкидланган. Бундан ташқари, қишлоқ жойларида кооперация, интеграция тузилмаларини, ноаграр йўналиш ва шаклдаги КБХТ субъектларини ривожлантириш бўйича янги ташкилий-иқтисодий, инновацион механизмларни жорий қилиш, мақбул давлат стратегиясини ишлаб чиқишга объектив зарурат туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

---

[1] https://smallbiztrends.com/small-business-statistics

[2] The Export-Import Bank of Korea. Hidden Champion Initiative [Электронный ресурс]. URL: https://www.koreaexim.go.kr/site/homepage/menu/viewMenu. Menuid

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони\\www.lex.uz

[4] https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/ Концепция-Развития-Узбекистана-UZB.pdf

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила тадбиркор” Дастурини амалга ошириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда аграр соҳа ва тадбиркорлик, КБХТни ривожлантиришнинг умумназарий, ижтимоий-иқтисодий масалалари Арениус П., Балфоур Р., Берглунд Х., Мичел С., Молетсан Р, Квон Ж, Коуп Ж, Датта С., Гаффари, Г, С.Гуттенен, Хуеленброук Г., В.Вандермуелен, Е.Верспехт, П. Мукерджи, С.Ниска, М.Весал, Н.Весала, Резаи-Могаддам К., Изади Х.,Тохидян Фар, Сейнеке П., Шахраки Х., Мовахеди Р., Я.Фарани[5] ва бошқаларнинг асарларида ёритиб ўтилади.

---

[5] Arenuis, P. & Kwon, SW (2010). Нации предпринимателей: взгляд на социальный капитал. *Журнал Business Venturing, 25* (3), 315–330.; Balfour R., Mitchel C. & Moletsane R. (2008). Тревожные контексты: на пути к генеративной теории сельской местности как исследования в области образования. *Журнал развития сельских сообществ, 3* , 95–107.; Берглунд, Х. (2015). Между познанием и дискурсом: феноменология и изучение предпринимательства. *Международный журнал предпринимательского поведения и исследований, 21* (3), 472–488.; Cope, J. (2003). *Researching entrepreneurship through phenomenological inquiry: Philosophical and methodological issues*. Lancaster: Institute for Entrepreneurship and Enterprise Development.; Датта С. (2004). *Сельское промышленное предпринимательство: дело района Бардхаман в Западной Бенгалии. Канд. дисс* . Нидерланды: Вагенинг.универс.; Гаффари, Г. (2006). Государство и развитие села. *Ближневосточная критика, 15* , 283–293.; Global Entrepreneurship Monitor (GEM), 2015–2016 гг. Глобальный отчет.; Huttunen S. (2012). Производство энергии из древесины, устойчивое ведение сельского хозяйства и многофункциональность в Финляндии. *Журнал сельских исследований, 28* , 549–558.; Huyelenbroeck, GV, Vandermeulen, V., Mettepenningen, E. & Verspecht, A. (2007). Многофункциональность сельского хозяйства: обзор определений, доказательств и инструментов. *1* (3). https://doi.org/10.12942/lrlr-2007-3 По состоянию на январь 2016 г.; Мукерджи, С. (2018). Вызовы индийским микро малым и средним предприятиям в эпоху глобализации. *Журнал исследований глобального предпринимательства, 8* , 28. https://doi.org/10.1186/s40497-018-0115-5.; Niska, M., Vesal, HT & Vesala, K. (2012). Крестьянство и предпринимательство как основы для фермерства: размышления о ценностях фермеров и дискурсах аграрной политики. *Социология Руралис, 52* (4), 453–469.; Резаи-Могаддам К. и Изади Х. (2019). Предпринимательство на малых сельскохозяйственных предприятиях с быстрой отдачей в Иране: разработка индекса, эффективных факторов и препятствий. *Журнал исследований глобального предпринимательства, 9* , 17; Резаи-Могаддам К. и Тохидян Фар С. (2019). Многофункциональное сельское хозяйство: подход к развитию предпринимательства в аграрном секторе. *Журнал исследований глобального предпринимательства, 9* , 23. https://doi.org/10.1186/s40497-019-0148-4 .; Seuneke, P. (2014). *От производст венно-ориентированного фермерства к многофункциональному предпринимательству: изучение основного процесса обучения, канд.дисс* . Нидерланды: Универс.Вагенингена.; Шахраки Х., Мовахеди Р. и Ягуби Фарани А. (2016). От теории развития Артуро Эскобара к теории структурирования Энтони Гидденса: социальный конструкционистский анализ сельского предпринимательства и многофункционального сельского хозяйства. *Межд. журнал сель.хозресурсов, управления и экологии, 12* , 406–426.

МДҲ олимларидан Н.Кондратьев, П. Маслов, М.Туган-Барановский, А. Чаянов, Р.Адуков, С.Блохин, И.Буздалов, Т.Забазнова, Е.Лукьянова, Э.Крылатых, А.Никонов, А.Петриков, Н.Попов, А.Серков, Е.Серова, В.Узун, А.Черняев, Г.Шмелевлар, И.Донахановларнинг илмий тадқиқотларида агробизнес, қишлоқ жойларидаги тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий ва услубий муаммолари ўрганилган[6].

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда КБХТни минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва хусусан, қишлоқ жойларида шакллантириш, ривожлантириш ва моделлаштиришнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан С.Ғуломов, Қ.Абдураҳманов, Б.Бегалов, Ё.Абдуллаев, А.Фаттаҳов, У.Ғофуров, М.Болтабоев, М.Қосимова, А.Самадов, З.Худайбердиев, Т.Дўстжанов, Б.Рузметов, С.Салаев, Н.Мурадова, М.Гулманов, Н.Файзуллаев ва бошқалар[7]нинг асарларида кенг ёритилган. Уларнинг ишларида КБХТни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, соҳада КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, моделлаштириш ва прогнозлаш, кичик ва йирик бизнеснинг кооперацион алоқалари, ностандарт бандлик орқали соҳани ривожлантириш ва қишлоқ аҳолиси бандлиги масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган.

Бироқ, қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ва мутаносиб ривожланиш тенденцияларини асослаш, янги ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантириш ва такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, қишлоқда ноанъанавий, инновацион йўналишдаги КБХТ субъектларини ривожлантириш, анкета сўровлари орқали қишлоқ жойларидаги тадбиркорлик фаолиятини

---

[6]https://www.researchgate.net/publication/304528646_Theory_of_Cycles_of_M_I_Tugan-Baranovsky_View_from_the_XXI_Century; https://doi.org/10.30853/manuscript.2018-5.17; Журавлева Л.А., Зарубина Е.А, Симачкова Н.Н. Социально-философская модель развития сельского хозяйства А. В. Чаянова; Р.Х. Адуков, А. Н. Адукова, Р.А. Юсуфов.Базовые условия развития сельских территорий; Забазнова, Т. А. Сущность бизнес-среды и предпринимательской среды в сельских территориях/ Т. А. Забазнова// Пространство экономики. Terra economicus. - 2009. - № 2. - Т. 7, - 4.2. - 1 п.л.; Блохин А. Институциональный аспект анализа цены российских реформ // Проблемы прогнозирования. 2001. - № 1, с. 116-120; Буздалов И. Н., Крылатых Э. Н. и др. Аграрные отношения: теория, историческая практика, перспективы развития. М.: Наука, 1993, с. 275.; Лукьянова Е.В. Сельское предпринимательство: традиции и перспективы. //Международный сельскохозяйственный журнал. 2003, №2, с. 33.; Узун В. Я. Аграрная реформа и судьбы крестьянства. //Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий, 1995, №12, с. 29-32. Петриков А. Государственная поддержка малого предпринимательства в АПК и сельского развития. //АПК: экономика, управление.-2001, №3, с. 12.; И.С.Донахонов. развитие предпринимательской деятельности в аграрном секторе экономики Республики Таджикистан. Душанбе, 2009.

[7] Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательства и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. – с.19-83., Ё.Абдуллаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т. Меҳнат, 1997.; Болтабоев М.Р. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Тошкент. ТДИУ, 2012.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). иқт.фан.док.дисс.Т.ТДИУ 2008.; Т.Д.Дўстжанов, С.К.Салаев. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997.; А.Н.Самадов, Г.Останақулова. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. –Т.: Иқтисод-молия, 2008.; С.К.Салаев, Н.Б.Файзуллаев, Б.У.Таджиев. Ўзбекистонда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари. Т.:Фан ва технология, 2011; Мурадова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш.. Иқт.фан.доктори дисс.автореферати. Т.2016.; Р.Х. Ташматов. Пути совершенствования институциональных механизмов развития сельского хозяйства в регионах Узбекистан. Ташкент. ТГЭУ.DOI: 10.24411/2500-1000-2018-10247; М.Гулманов. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш. Иқт.фан.ном.дисс.автореферати. Т.ТДИУ.2012; Н.Файзуллаев. КБХТни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Иқт.фан.ном.дисс.автореферати Т.ЎзБМА.2018. Б.Рузметов. Комплексное развития региона: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. Монография. Т., Фан, 2002 й.

баҳолаш, кооперацион ва интеграцион тузилмаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини асослаш бўйича яхлит илмий изланишларнинг етарлича амалга оширилмаганлиги тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ва 2018–2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017-09202 “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий давлат гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **асосий вазифалар** белгиланди:

- қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш муаммолари, ўзига хос муҳити, хусусиятлари ва тенденцияларини аниқлаш;
- қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини асослаш;
- қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш хусусиятлари, стратегик муқобил йўналишлари ташкилий-иқтисодий омилларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- анкета сўровлари ёрдамида Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида КБХТ ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ жойларида камбағалликни қисқартириш, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш манбаи сифатида кооператив тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари ва механизмини шакллантириш;
- Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги КБХТларни барқарор ривожлантиришнинг мавжуд салоҳиятини баҳолаш, қишлоқ туризми ва рекреацияни устувор ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилояти қишлоқ жойларида фаолият юритаётган КБХТ субъектлари олинган.

Тадқиқот предметини қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий воқелик ва жараёнларни ўрганишга нисбатан диалектик ёндашув, таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, экстраполяция, эксперт баҳолаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш”, “қишлоқ хўжалигини

барқарор ривожлантириш” ва “қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш” тушунчаларига табиий, ижтимоий-иқтисодий, демографик, инфратузилмавий, экологик жиҳатдан умумлаштирилган ҳолда географик ва тадбиркорлик нуқтаи назаридан ёндошув асосланган;

қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда давлат дастурларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ тадбиркорлигига стратегик муқобилларни ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлашда “ўсиш нуқталари”, “битта маҳалла – битта маҳсулот” механизми ва уларни етишмаётган ижтимоий инфратузилмани объектини ташкил этиш бўйича ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилган;

Хоразм вилоятида ноаграр йўналишда хизмат кўрсатувчи енгил конструкцияли мобил КБХТ субъектларини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларида “темир, ёшлар ва аёллар дафтарлари”га киритилган аҳолига кооператив тадбиркорлик асосида иш қуролларига субсидиялар ажратиш механизми асосида бандлигини таъминлаш бўйича таклифлар асосланган;

Вилоят ҳудудларининг ўзига хос туристик ресурслари, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларида истиқболли бўлган эко, агро, этно, ов, спорт, тиббий, рекреацион, сафари туризми каби шаклларини ҳамда туризм маҳалласи ва қишлоқларини ташкил қилиш орқали қишлоқ туризми ва рекреацияни жадал ривожлантиришга имкон берувчи илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатда қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш муаммолари, муҳити, ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий-экологик шарт-шароитлари ва тенденциялари асослаб берилган;

анкета сўровлари ёрдамида қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш йўналишлари, жойларда қишлоқ тадбиркорлигига стратегик муқобиллар аниқланган ва КБХТ ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилган;

қишлоқ жойларида камбағалликни қисқартириш ва ёшлар бандлигини таъминлашда кооператив тадбиркорлик ҳамда ноаграр йўналишда ташкил қилинадиган КБХТ субъектлари ва яратиладиган иш ўринлари асосланган;

вилоятда кичик бизнеснинг самарали фаолияти сифатида агротуризмни ривожлантириш асосланган ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан мамлакат минтақаларида қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий

тадқиқотларни амалга ошириш, қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантиришга мўлжалланган давлат, тармоқ ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** эса қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф этилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо ва саноат палатаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимидаги субъектлар фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида тадбиркорлик муҳити, “қишлоқ хўжалигини”, “қишлоқ жойларини”, “қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш” муаммолари, тартибга солиш хусусиятлари, илғор хорижий тажрибалари, назарий-услубий жиҳатлари минтақавий даражада маҳаллий бошқарув органлари фаолиятига жорий этилган *(Ўзбекистон Республикаси Савдо Саноат Палатасининг 2021 йил 26 февралдаги 11/05-15-1440 сонли маълумотнома).* Ушбу таклифни амалиётда қўллаш натижасида ҳудудларда ташкил қилинган “Ёшлар: 1+1”, “Ҳар бир тадбиркор-ёшларга мададкор”, “Ёшларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш” лойиҳалари асосида ўқув жараёнларининг ахборот-услубий базасининг янада кенгайишига хизмат қилди;

Хоразм вилояти қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш йўналишлари аниқланган, қишлоқ тадбиркорлигига стратегик муқобилларни аниқлаш механизми бўйича натижалар Хоразм вилоятини 2030 йилгача бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда, жойларда ташкил қилинаётган ёшларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш курслари фаолиятига жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Савдо Саноат Палатасининг 2021 йил 26 февралдаги 11/05-15-1440 сонли маълумотнома).* Ушбу таклифни қўллаш натижасида қишлоқ жойларида КБХТ ривожланишини тўлақонли баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ва формулалар такомиллашувига эришилган;

Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида камбағалликни қисқартириш ва ёшлар бандлигини таъминлашда кооперация механизмининг роли, ноаграр йўналишда аҳоли сони ва меъёрий кўрсаткичлар асосида ташкил қилиниши керак бўлган хизматлар соҳаси КБХТ субъектлари салоҳияти асосланган (*Ўзбекистон Республикаси Савдо Саноат Палатасининг 2021 йил 26 февралдаги 11/05-15-1440 сонли маълумотнома).* Ушбу таклифни қўллаш натижасида қишлоқ жойларида маҳаллалар кесимида хизмат кўрсатувчи КБХТларни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш юзасидан ёндашувлар такомиллашувига эришилган;

вилоят қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги кичик агротуристик субъектларни ривожлантириш бўйича туман ва шаҳарларнинг имкониятлари асосланган ҳолда соҳани устувор ривожланишига имкон берувчи илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган *(Ўзбекистон Республикаси Савдо Саноат Палатасининг 2021 йил 26 февралдаги 11/05-15-1440 сонли маълумотнома).* Ушбу тавсияларни амалиётда қўллаш туфайли қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги агротуристик КБХТ шакллари ривожланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 12 та мақола (8 та республика ва 4 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг объектив зарурати ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти, хориж тажрибаси, КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми баён қилинган.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида ва коронавирус пандемияси шароитида бутун дунёдаги каби агросаноат мажмуининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим роли янада ошмоқда. Кейинги йилларда ҳукумат томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ жойларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ошириш, қишлоқ хўжалигини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, қайта ишлаш саноатини модернизациялашга кенг шароитлар яратмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва қишлоқ жойлари ривожланишида ижтимоий-иқтисодий номутаносибликлар мавжудлиги асосий муаммолардан саналади. Бундан ташқари, айрим қишлоқ жойларида малакали механизатор, чорвадор, зоотехник, агроном, иссиқхона ходими, томчилатиб суғориш бўйича мутахассислар етишмаётган бир шароитда меҳнатга лаёқатли

аҳоли ва ёшларнинг қишлоқдан чиқиб кетиши ҳолатларининг ўсиши ҳам кузатилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши – бу аҳолининг барча қатламлари учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш, қуруқлик экотизими, ер ва сув, ўрмон ресурсларини, биохилма-хиллик барқарорлигини сақлаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача самарадорлиги, даромадлилигини оширувчи барқарор тизимни яратишга, қишлоқ хўжалигини юритишнинг инновацион усулларини жорий қилиш ва қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштиришга имкон берувчи ривожланиш йўлидир[8].

Қишлоқ жойларини ривожлантириш мамлакат, минтақа ва ҳудуд учун улкан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, айнан қишлоқ жойларида жуда катта ижтимоий-иқтисодий салоҳият мавжуд ва айнан қишлоқ жойлари иқтисодий, ишлаб чиқариш, табиий-экологик, демографик, уй-жой коммунал, рекреацион-географик йўналишдаги бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни эса кичик бизнессиз тасаввур этиб бўлмайди.

Қишлоқ жойларида аграр ва ноаграр йўналишларда амалга ошириладиган КБХТ шакллари (1-расм).

Маълумки, аграр йўналишдаги КБХТ субъектларига деҳқон, фермер хўжаликлари, агрокластерлар, қишлоқ хўжалик кооперативлари кирса, қишлоқ жойларидаги ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларига логистика, косиб ва ҳунармандчилик, умумовқатланиш ва савдо, қурилиш, транспорт ва АКТ, маиший хизматлар, маданий ҳордиқ ва спорт, туристик хизматлар киради. Шунингдек, кичик қайта ишловчи корхоналар ҳам қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш шаклларига мансуб бўлиб, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва сув, шиша, қоғоз, пластмасса ва маиший чиқиндиларни қайта ишловчи КБХТ субъектларига ажралади.

Қишлоқ жойларида КБХТнинг аграр ва ноаграр шаклларини мос нисбатларда ривожлантириш камбағал оилаларга, ишсиз ёшлар ва аёлларга муносиб иш ўрни, даромад ва турмуш фаровонлигини ошириш манбаи ҳамда уларни тегишлича “Темир дафтар”, ”Ёшлар ва аёллар дафтарлари”дан чиқариш йўли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ривожланиш стратегиясига кўра “*қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш* барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ва самарадорлигини ошириш, қишлоқ аҳолиси тўлиқ бандлигига эришиш ва унинг турмуш даражасини ошириш, ерлардан рационал фойдаланишдир”[9].

---

[8] Муаллиф вариантидаги таъриф

[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони// www.lex.uz

1-расм. Қишлоқ жойларида КБХТ фаолиятини амалга оширишнинг асосий шакллари[10].

Фикримизча, "*қишлоқ жойларини барқарор ривожланиши*" тушунчаси ташқи ва ички таъсирлар натижасида ўзининг иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа хусусиятларини сақлаш қобилиятига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий тизим бўлса, иккинчи томондан қишлоқ жойларининг иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа жиҳатларини яхшилаш мақсадидаги усул ва воситалар мажмуидир.

Кейинги беш йилда республикамиз Президенти томонидан ҳудудларда КБХТни янада ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган[11]. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "*Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*"ги 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231 сонли қарорида ҳудудларнинг

[10] Муаллиф ишланмаси.

[11] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги *"Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги ПФ-5242-сонли, 2018 йил 27 июндаги *"Ёшлар келажагимиз"* Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги *"Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"*ги ПҚ-3680-сонли, 2018 йил 7 июндаги *"Ҳар бир оила - тадбиркор"* Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги ПҚ-3777-сонли Қарорлари //www.lex.uz

ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, **“бир маҳалла – бир маҳсулот”** тамойили асосида ҳар бир маҳаллани аниқ бир йўналишга ихтисослаштириш, имтиёзли кредитларни мавжуд шароит ва оилаларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда ажратилишига эътибор қаратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли, тадбиркорлик субъектларига бўш турган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш максадида 2 йил муддатда ҳақиқий даромад манбаига айлантириш шарти билан бериш каби тадбиркорлик субъектларига берилган алоҳида эътибор ушбу соҳани мамлакатимиз ҳудудларида ва асосан қишлоқ жойларида ривожланишига катта замин яратади.

Сўнгги йилларда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чоралар натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқичма-босқич глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олди. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси халқаро миқёсда эълон қилинган глобал очлик индексида 107 та мамлакат ичида 30-ўринда қайд этилди ва 6,7 кўрсаткич билан “мўътадил” даражага эришди[12].

Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг хориж тажрибасига назар ташласак Финляндиянинг экологик ва ноқулай иқлим ва хўжаликлар бўйича дотациялари[13], Япониянинг 10 миллион аъзони бирлаштирувчи сотиш, таъминот, кредитлаш кооперативлари[14], Хитойнинг қишлоқ хўжалик ва махсус маҳсулотларга солиқни бекор қилиниши[15] каби ижобий ҳолатларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришда Нидерландия тажрибаси жуда қўл келади. Чунки, ушбу давлат қишлоқ хўжалиги экспортга йўналтирилган бўлиб, умумий экспорт ҳажмида 2018 йилда 24 фоизни ёки 91,7 миллиард еврони ташкил қилган. Нидерландия қишлоқ хўжалиги юқори даражада механизациялашган бўлиб, бор йўғи соҳада 2 фоизгина аҳоли ишлайди. Нидерландия ўз ер майдони бўйича дунёда 131-ўринда турсада, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича АҚШдан кейин дунёда 2-ўринда туради. Шунингдек, дунё умумий қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг 7,5 фоизи Голландия улушига тўғри келади. Нидерландияда қишлоқ хўжалиги КБХТ субъектлари ҳисобига “*2 марта кам ресурс сарфлаб – 2 марта кўп озиқ-овқат*” тамойили асосида (GPS ва учувчисиз аппаратлар) ривожланади[16].

Тадқиқотларимизга кўра, Хоразм вилояти қишлоқ жойларида иқтисодий жиҳатдан етарли рақобатбардош, ноагарар йўналишдаги КБХТ субъектлари сони кам бўлиб, аксарият субъектларни деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади. Аҳолига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат дўконлари, чойхона, кафе, гўзаллик салонлари, эркаклар учун сартарошхоналар, авто ювиш жойлари,

---

[12] https://teznews.uz/19-11-2020/ozbekistonning-global-ochlik-indeksi-bojicha-zhahondagi-orni-malum-boldi

[13] Фролова О. А. Государственное регулирование сельского хозяйства: зарубежный опыт/ О. А. Фролова, С. Ю. Васильева// Вестник НГИЭИ. — Н.: НГИЭИ, 2011. -№ 5. –С.76–83

[14] Ўша жойда: қаранг 82-бет.

[15] Шамин А.Е. Опыт решения аграрных проблем в сельском хозяйстве Китая/ А. Е. Шамин, Н. Г. Вождаева// Вестник НГИЭИ. — Н: НГИЭИ, 2011. -№ 2. –С. 5–19.

[16] Опыт Нидерландов в сфере разваития сельского хозяйстваhttp://www.isrs.uz/ru/maqolalar/opyt-niderlandov-v-sfere-razvitia-selskogo-hozajstva**:**

paynet, телефон таъмирлаш хизматлари, мактаблар атрофида канцелярия моллари дўконлари мавжуд эмаслиги, тикувчилик цехларининг камлиги, айрим қишлоқ аҳоли пунктларида эса умуман йўқлиги қишлоқ жойларида ноаграр КБХТни ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Муаллиф томонидан қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг ўзига хос ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган (2-расм).

2-расм. Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми[17].

Ушбу механизмнинг ташкилий йўналишлари сифатида қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, КБХТни стратегик ривожлантириш муқобил йўналишларини белгилаш, ҳудудларда, қишлоқ жойларида аграр ва ноаграр йўналишларда кооператив тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасида ноаграр йўналишдаги КБХТ ривожлантириш, иқтисодий йўналиш сифатида қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришга йўналтирилган миллий ва маҳаллий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришда давлат хусусий шерикчилик механизми ва тамойилларини қўллаш, миллий ва хорижий инвестицияларни, микролизинг ва микрокредитларни имтиёзли жалб қилиш, аграр ва ноаграр соҳадаги КБХТ

[17] Муаллиф ишланмаси.

субъектлари учун экспорт имкониятларини кенгайтириш, агрокластерлар атрофида КБХТ субъектларини шакллантириш каби омиллар белгиланган.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон Республикаси минтақаларида қишлоқ жойларида КБХТни ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили**” номли иккинчи бобида мамлакат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида КБХТнинг роли ва қишлоқ жойларида КБХТ ривожланиш тенденцияларининг қиёсий-статистик таҳлили ҳамда анкета сўровлари асосида баҳолаш масалалари таҳлил қилинган.

2011–2019 йилларда республикамизда КБХТнинг иқтисодиёт, асосий тармоқларидаги ва айрим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улуши динамикаси таҳлилларига кўра 2011 йилда саноатда КБХТнинг улуши 28,6 фоизни, қишлоқ хўжалигида 97,2 фоизни, қурилишда 67,6 ва савдода 86,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб саноатда КБХТнинг улуши 6,3 фоизга ўсиб, 34,9 фоизни, қишлоқ хўжалигида 1,1 фоизга ўсиб, 98,3 фоизни, қурилишда эса 7,8 фоизга ўсиб, 75,4 фоизни ва савдода эса 2,4 фоизга камайиб, 84,3 фоизни ташкил қилган ва иқтисодиёт тармоқларида КБХТнинг улуши мутаносиб равишда барқарор ўсиб борган.

Шунингдек, республикамиз ЯИМда КБХТнинг улуши 2011 йилда 54,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 56,5 фоизга етган. Жами бандлар таркибига КБХТда бандларнинг улуши эса 2011 йилда 75,1 фоиздан 2019 йилга келиб 75,6 фоизгача ошган. Шунингдек, ялпи экспорт таркибида КБХТнинг улуши 2011 йилда 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 27,0 фоизгача ўсган. Республика умумий импорти ҳажмида КБХТнинг улуши 2011 йилда 34,3 фоиздан 2019 йилда 61,6 фоизгача ўсган.

Ўзбекистон Республикасида КБХТ субъектларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш динамикаси таҳлилига кўра, 2000 йилда жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши 5,5 фоизни, 2005 йилда 24,3, 2010 йилда 36,3 фоизни, 2015 йилда 30,7 ва 2020 йилга келиб эса 24,7 фоизни ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2000 йилда 27,8 фоизни, 2020 йилга келиб эса 3,0 фоизни ташкил қилган. Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ўтган 20 йил мобайнида ўсиш ва қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларда эса камайиш тенденцияси кузатилган.

Кейинги 20 йилда Хоразм вилояти туманлари кесимида қишлоқ жойларидаги асосий КБХТ субъектлари бўлган фермер хўжаликлари сони турли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги, қонунчиликдаги ўзгаришлар сабабли оптималлашгани ҳолда 10276 тадан 4696 тагача камайган.

Фермер хўжаликларини энг кўп улуши Урганч (*15,3 ёки 721 та*), Ҳазорасп (*13,2 ёки 624 та*) ва Шовот (*10,6 фоиз ёки 500 та*) туманларига, энг кам улуши эса Янгиариқ (*7,9фоиз ёки 367 та*) ва Янгибозор (*7,5 ёки 348 та*) туманларига тўғри келади.

2000–2020 йилларда Хоразм вилояти туманлари кесимида фермер хўжаликларида бандлар сони бўйича энг катта улуш Гурлан (13,9 %), Хонқа

(12,5 %), Шовот (12,7 %), Қўшкўпир (11,6 %) ва Янгибозор (11,0 %) туманларига тўғри келади. Бандларнинг энг кам улуши эса Боғот (5,9 %) ва Янгиариқ (5,8 %) туманларига тўғри келади.

Фикримизча, айнан аҳоли сони ёки қишлоқ хўжалиги меҳнат бозорининг таркибий тузилмасигина эмас, балки кўпчилик фермер хўжаликларида меҳнат шартномасини расмийлаштирилмасдан норасмий ишчи кучидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавсумийлик хусусияти, бундан ташқари фермер хўжаликлари раҳбарларининг ишчи кучи сонини расмийлаштиришдан моддий жиҳатдан манфаатдор эмаслиги ва кўпроқ солиқ тўлашига тўғри келиши билан боғлиқ. Шу сабабли, истиқболда, қишлоқда энг асосий КБХТ субъекти сифатида фермер хўжаликларида ишчи кучини расмийлаштириш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш, солиқ юкини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу эса "Темир дафтар", "Ёшлар" ва "Аёллар" дафтарларидаги ишсиз аҳолини расмий меҳнатга жалб қилишда асосий катта манба бўлиб хизмат қилади.

Тахлилларга кўра, тадқиқот даврининг дастлабки йилида жами корхоналарнинг яшовчанлик коэффициенти 23,4 фоизни ташкил этиб, КБХТ субъектларнинг мазкур кўрсаткичидан 0,6 фоизга юқори. Бироқ, 2014–2017 йилларда КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффициенти жами корхоналарга нисбатан юқори бўлиши таъминланган. 2019 йилда эса вазиятнинг яна ўзгарганлигини, яъни жами корхоналарнинг яшовчанлик коэффициенти 69,6 фоизни ташкил қилгани ҳолда, КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффициентига нисбатан 1,5 фоизга ошган. Умумий ҳисобда корхоналар яшовчанлик коэффициентини 2016–2017 йилларда кескин пасайиши кузатилган ва охирги икки йилдаги ўсиш мазкур коэффициент 2019 йилда 2014 йилга нисбатан деярли 3 баробарга ошиши таъминланган.

Фикримизча, эндиликда КБХТ ривожланишининг умумий даражасини ифодаловчи *(рўйхатга олинган КБХТ субъектлари сони, ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони, ялпи тушум ва асосий капиталга инвестициялар*) кўрсаткичлардан КБХТ субъектлари инновацион фаоллиги динамикасини, тармоқ тузилмасидаги ижобий ўзгаришларни тавсифловчи индикаторларга ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган анкета сўровларига кўра респондентларнинг *"Фикрингизча ҳозирги шароитда тадбиркорликнинг қайси тури энг даромадли деб ўйлайсиз"* деган саволига 29 фоизи савдо фаолияти деб, 24 фоизи деҳқончилик деб, 15 фоизи чорвачилик деб, 12 фоизи хизмат кўрсатиш, 9 фоизи кластер фаолияти, 6 фоизи ишлаб чиқариш фаолияти ва 3 фоизи асаларичилик, 2 фоизи қурилиш фаолияти деб жавоб беришган .

"*Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд*?" деган саволига респондентларнинг 125 нафари ёки 28 фоизи "харидорнинг камлиги", 102 нафари ёки 21 фоизи "инфратузилма билан боғлиқ муаммолар", 76 нафари ёки 15 фоизи "молиявий муаммолар", 69 нафари ёки 14 нафари "Ер, сув ресурслари масалалари", 65 нафари ёки 13 фоизи "Марказдан узоқдалиги", 28 нафари ёки 6 фоизи бюрократик тўсиқлар деб жавоб беришган.

“*Қишлоқ жойларида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қўшимча имкониятларни яратилиши асослари нималарда намоён бўлади?”* деган саволга респондентларнинг 34 фоизи “ишчи кучининг арзонлиги”, 22 фоизи “рақобат курашининг пастлиги”, 11 фоизи “бозорнинг яқинлиги”, 15 фоизи “якка тадбиркорлик учун солиқларнинг нисбатан пастлиги”, 12 фоизи “ҳукумат томонидан қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастурларини амалга оширилаётганлиги”, 6 фоизи “ресурсларнинг арзонлиги” деб баҳолашган.

“*Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришда асосий муаммолар нималар деб ўйлайсиз*?” деган саволга респондентларнинг 23 фоизи “қишлоқ жойларида инфратузилманинг ривожланмаганлиги”, 23 фоизи “маблағ етишмаслиги”, 19,0 фоизи “малакали кадрларнинг етишмаслиги”, 13 фоизи “ер, сув, экология билан боғлиқ муаммолар”, 8 фоизи “табиий монополиялар билан боғлиқ муаммолар” ва 14 фоизи бошқа муаммолар деб баҳолашган.

“*Қишлоқ хўжалигида КБХТ субъектларига берилган имтиёзлар бўйича охирги чиққан фармон ва қарорлар хусусида нималарни биласиз*?” деган саволга анкета-сўровида қатнашганларнинг 182 нафари (35 фоизи) “имтиёзли кредитларнинг берилиши”, 125 нафари (24 фоизи) “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га кирганларга ер ажратилишини, 95 нафари (19 фоизи) “Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилинишини”, 73 нафари (14 фоизи) “COVID-19 пандемияси туфайли кредит тўлаш муддатлари узайтирилганлигини”, 41 нафари (8 фоизи) “Тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўрганиш истагидагилар ўқитилишини” билдиришган.

Қишлоқда тадбиркорлар томонидан КБХТ ривожланишининг жорий ҳолати ҳам салбий баҳоланган, мавжуд имтиёзлардан фақатгина имтиёзли кредитдан фойдаланилган холос. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан ёшларга ва аёлларга тадбиркорлик асослари, касб-ҳунар ўргатиш бўйича, “*Ҳар бир ёшга 1 га ер*”, ”*Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор*” лойиҳалари доирасидаги имтиёзларни қишлоқ аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилиш лозим.

Диссертациянинг **“Қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида вилоятда қишлоқ жойларида кооперация механизми асосида КБХТни барқарор ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ноаграр хизмат турлари ва агротуризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Республикада КБХТни, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорликнинг турли аграр ва ноаграр шаклларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги кооперативларини фаолиятини ташкил этиш ва бошқарувининг турли жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш, қишлоқ жойларида КБХТ субъектлари ўртасида янги инновацион йўналишдаги кооперация алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотлармизга кўра, 2020 йилда Хоразм вилоятида 36 та кооперативлар ташкил этилган ва 4014 млн. сўмлик субсидия, 540 га ер майдонлари ажратилиб, 1800 та бирлашма аъзолари, ишсиз ёшлар ва оила-ларнинг бандлиги таъминланган (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)ларида бандлар динамикаси[18]

№	Туманлар	2020 йилда қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш					
		Кооператив сони (та)	Аъзолар (оила) сони	Шундан, бандлиги таъминланган ёшлар сони, (*нафар)*	Ажратилган ер майдони, (*га)*	Шундан, ёшларга ажратилган ер майдони, *(га)*	Ажратилган субсидия миқдори *(млн.сўм)*
1	Боғот	4	200	328	60,0	60,0	446,0
2	Гурлан	4	112	151	22,4	48,4	401,4
3	Қўшкўпир	4	185	137	63,4	47,6	334,5
4	Урганч т.	2	50	150	33,4	33,4	111,5
5	Хива т.	4	199	187	68,3	60,5	443,8
6	Хазорасп	4	76	209	104,0	84,0	446,0
7	Хонқа	2	100	93	70,5	70,5	223,0
8	Шовот	4	170	155	148,5	122,4	379,1
9	Янгиариқ	4	59	127	14,6	34,3	222,9
10	Янгибозор	4	286	173	57,2	34,6	425,9
	ЖАМИ:	**36**	**1437**	**1710**	**642,3**	**595,7**	**3434,1**

Вилоятда дастур доирасида 36 та кооператив ташкил этилиб, улардаги бандлар сони эса 1437 та оилани ташкил қилган. Натижада 1710 нафар ёшлар иш билан таъминланиб, 3434,1 млн.сўм миқдорида субсидиялар ажратилган.

Хоразм вилоятининг 519 та МФЙларида ўрганишлар, сўровлар, интервьюлар ўтказилиб шаҳар ва туманларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича “ўсиш нуқталари” ёки драйверлари аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича “ўсиш нуқталари[19]”

Т/р	Ҳудуд номи	Туман (шаҳар)ларнинг “ўсиш нуқталари”
1	Урганч шаҳри	*Тўқимачилик ва туризм*
2	Хива шаҳри	*Туризм ва қурилиш материаллари*
3	Боғот тумани	*Иссиқхона хўжалиги ва тўқимачилик*
4	Гурлан тумани	*Тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги*
5	Тупроққалъа тумани	*Машинасозлик, электротехника ва иссиқхона хўжалиги*
6	Урганч тумани	*Курилиш материаллари ва сутни қайта ишлаш*
7	Хазорасп тумани	*Тўқимачилик ва паррандачилик*
8	Хива тумани	*Қурилиш материаллари ва балиқчилик*
9	Хонқа тумани	*Ун-ёғ маҳсулотлари ва қурилиш материаллари*
10	Қўшкўпир тумани	*Қурилиш материаллари, тўқимачилик ва паррандачилик*
11	Янгиариқ тумани	*Тўқимачилик, туризм ва иссиқхона хўжалиги*
12	Янгибозор тумани	*Мева-сабзавотни қайта ишлаш ва иссиқхона хўжалиги*
13	Шовот тумани	*Тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги*

[18] Хоразм вилояти статистика ва меҳнат бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди
[19] Муаллиф ишланмаси

